

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**36-сон**  
**(900)**  
**2019 йил**  
**9 сентябрь**

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

652. «Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 августдаги ўРҚ-560-сон Қонуни
653. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ўРҚ-561-сон Қонуни
654. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ўРҚ-562-сон Қонуни
655. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-

рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–563-сон Қонуни

656. «Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 сентябрдаги ЎРҚ–564-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

657. «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги ПФ–5806-сон Фармони
658. ««Нукус» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги ПФ–5809-сон Фармони
659. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 сентябрдаги ПФ–5811-сон Фармони
660. «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги ПҚ–4433-сон қарори
661. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 сентябрдаги ПҚ–4435-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

662. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 26 августдаги 7-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 73-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-3*)
663. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 сентябрдаги 385-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1095-2*)
664. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил

24 августдаги 21/9-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-3*)

665. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-3*)

666. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1496-1*)

667. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-3*)

668. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 сентябрдаги 390-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 31 августдан 7 сентябргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**652** **Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 2 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 августда эълон қилинган.

№ 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **132-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **229<sup>3</sup>-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **64-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг кўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг кўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **268<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«268<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари**

Ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг ва унинг ҳудудий бош-

қармаларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда) **1-илоvasи** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 673-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 3, 161, 166-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **329-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **38-банд** билан тўлдирилсин:

«38) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан»;

2) **330-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **24-банд** билан тўлдирилсин:

«24) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан»;

3) **330<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **14-банд** билан тўлдирилсин:

«14) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга доир ишлар юзасидан».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 август,  
ЎРҚ-560-сон



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**653 Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 23 августда  
маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

**жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 сентябрда эълон қилинган.

**зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, рухий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;

**рухий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки рухий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

**тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

**тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

**тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга

нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

#### **4-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари**

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

#### **5-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат таш-

килотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва стратегияларни тасдиқлайди;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлаш бўйича тузилмаларни ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

**8-модда. Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳ-лантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

### **9-модда. Меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Меҳнат органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

### **10-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ҳамда таълим муассасаларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурлар ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни мажбурий меҳнатга ва ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилади;

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек тазйиқ ва

зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

**11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

**12-модда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларда иштирок этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиши;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан якка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

низолари вазиётларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

**13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

**14-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги**

Ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

аниқланган тазйиқ ва зўравонлик фактлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига муносабат билдириш чораларини келишиш ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш

ва тажриба алмашиш соҳасидаги чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, қонун ҳужжатларини ва уларнинг қўлланилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**15-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари**

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;

фуқароларни, айниқса хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, шунингдек ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

тазйиқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гуруҳларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш; айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш.

**16-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботи**

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги



маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

**17-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини хабардор қилиш**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништиради.

Зарур бўлган тақдирда ваколатли органлар ва ташкилотлар содир этилган тазйиқ ва зўравонлик факти муносабати билан ариза беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасалари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга унга нисбатан зўравонлик содир этган шахс жазони ижро этиш жойидан озод этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойидан ташқарига қисқа муддатга чиқарилганлиги ёки қочиб кетганлиги ҳақида зудлик билан хабар беради.

**18-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар учун ишонч телефони**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи махфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади. Ишонч телефони орқали олинган ахборотни ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

**19-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий ҳуқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлардир.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар муайян шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш

тарзи, унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек у содир этган тазйиқ ва зўравонликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

**20-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун асослар**

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонлик фактлари аниқланган тақдирда бу ҳақда тегишли ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Ички ишлар органлари тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тартибдаги чора-тадбирлар кўриши шарт.

**21-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари**

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари жумласига қуйидагилар киради:

профилактика суҳбатини ўтказиш;

ҳимоя ордерини бериш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;

зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

**22-модда. Профилактика суҳбати**

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади.

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили

томонидан профилактика суҳбати тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

### **23-модда. Ҳимоя ордерини бериш ва унинг муддатини узайтириш**

Ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади.

Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

Шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолашни рад этган тақдирда, ҳимоя ордерини топшираётган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан холислар иштирокида далолатнома тузилади.

Тегисли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат уни берган ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Ҳимоя ордерининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

### **24-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар-

нинг химоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан химоя ордери уларнинг қонуний вакилига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Химоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичида юборилади.

### **25-модда. Химоя ордерининг мазмуни**

Химоя ордерида қуйидагилар кўрсатилади:

у расмийлаштирилган сана ва жой;

уни расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, касби ҳамда яшаш жойи;

ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Химоя ордерида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг судга муножаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги, тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг химоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

### **26-модда. Химоя ордерида назарда тутилган чекловлар**

Химоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазйиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини химоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд та-

қиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблардан ташқари, унга тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисидаги шарт мажбурий тартибда киритилади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материаллари жинойий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

### **27-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар**

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар (бундан буён матнда махсус марказлар деб юритилади) ташкил этиши мумкин.

### **28-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни махсус марказларга жойлаштириш**

Зўравонлик фақти мавжуд бўлган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат махсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Махсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, махсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўтказиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазйиқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

**29-модда. Зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини тузатишга қаратилган тадбирлар**

Зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**30-модда. Маълумотларнинг махфийлиги**

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига ёрдам кўрсатган шахсларга маълум бўлиб қолган барча шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан кўриқланади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг шахсига доир маълумотлари ишониб топширилган ҳамда касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан бу маълумотлар ўзига маълум бўлиб қолган, ушбу маълумотларни ошкор этишга йўл қўйган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

**31-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**32-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**34-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 сентябрь,  
ЎРҚ-561-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****654 Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 23 августда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафо-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 сентябрда эълон қилинган.

латлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар** — жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

**гендер** — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

**гендер статистикаси** — давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

**гендер-ҳуқуқий экспертиза** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

**жинс бўйича бевосита камситиш** — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, хомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

**жинс бўйича билвосита камситиш** — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.



**4-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари**

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

демократизм;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги;

очиқлик ва шаффофлик.

**5-модда. Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик**

Хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлади.

Қуйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди:

бола туғиш ва она сути билан озиклантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;

қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;

ушбу Қонун асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари;

мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш;

қамокда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш;

хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар.

**6-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари**

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлайди.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг

олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

### **7-модда. Гендер-ҳуқуқий экспертиза**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган, аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

### **8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш**

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;

давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

**2-боб. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасини тартибга солиш**

**9-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

**10-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ҳамда амалга оширилишини ва уларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигини таъминлайди;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни белгилайди.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан ҳаётида оғир вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

давлатнинг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашади;

давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қиз-

лар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини ва таҳлилини ўтказди, шунингдек жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида таълимга оид, ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига доир мурожаатларини қабул қилишни, кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни амалга оширади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан чоралар кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этишни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

### **13-модда. Давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўради;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга оширишга фаол жалб қилиш мақсадида улар билан ҳамкорликни ривожлантиради;

хотин-қизлар ва эркаклар касбий ва оилавий мажбуриятларни бирга бажариши учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан ҳам оналарга, ҳам оталарга бола парвариши учун таътил бериш орқали шарт-шароитлар яратади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўради ва уларни бекор қилади;

меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантиради.

Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс (бундан буён матнда ваколатли шахс деб юритилади) белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Давлат органларининг раҳбарлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгаш органларини тузиши мумкин.

#### **14-модда. Давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ваколатли шахс:

фаолиятнинг тегишли соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига риоя этилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъмин-

лаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга барҳам бериш юзасидан ахборот фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда доимий асосда амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида гендер кўрсаткичларини таҳлил қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, таҳлил қилади ҳамда зарур ҳолларда улар ҳақида ваколатли органларга хабар беради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг касбий даражасини ошириш чораларини кўради;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш фактларини бартараф этиш юзасидан чоралар кўради.

**15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун бандлик соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга, оилалар учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратишга қўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат органларининг қарорларини, давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқув, ахборот-маърифий тадбирларини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишда давлат органларига кўмаклашади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

### **3-боб. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

#### **16-модда. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш**

Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш орқали давлат бошқарувида турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатланади.

Давлат хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда ва ҳеч бир камситишсиз халқаро миқёсда давлатнинг вакили бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўради.

Давлат хизматига қабул қилиш чоғида ва уни ўташ даврида жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишдаги тенглик малакага ва касбий тайёргарликка мувофиқ таъминланади.

Давлат хизматчилари лавозимларини эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг хизматда кўтарилиши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакилликнинг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин.

Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарур.

Давлат органларининг раҳбарлари ва тегишли мансабдор шахслар хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишда тенг ҳуқуқли-



ликни уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ таъминлаши шарт.

**17-модда. Давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши**

Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак.

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади. Шунга ўхшаш маълумотлар хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш учун давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизмат бўйича кўтариш масалаларини ҳал қилишда давлат органларининг кадрлар хизматлари томонидан тақдим этилади.

**4-боб. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

**18-модда. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш**

Хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

**19-модда. Сайлов комиссияларини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

**5-боб. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

**20-модда. Иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар ташкилотлар раҳбарлари жамиятнинг иқтисодий ресурсларидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулк, ер, молиявий активлар, кредитлар, ижтимоий жамғармалардан, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг эркин танланган турларидан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг фойдаланишини таъминлаши шарт.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайди.

**21-модда. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Иш берувчи меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўёбга чиқариш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

ишга ёллашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни;

тенг меҳнат учун хотин-қизлар ва эркакларга тенг иш ҳақини (мукофотни) ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолашга доир тенг ёндашувни;

хизматда кўтарилиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда тенг имкониятларни;

технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши оқибатида ходимларнинг сони (штати) ёки ишнинг хусусияти ўзгариши ёхуд корхона, муассаса ва ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда қонунда белгиланган афзалли ҳуқуқларни берган ҳолда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенглигини;

оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича фарзандлари бор аёллар ва эркаклар фойдалана оладиган амалиётни жорий этиш ва ривожлантиришни, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар учун қулай меҳнат шароитларини яратишни;

хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлигини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;

меҳнат муносабатларида шахсларнинг кадр-қимматини поймол қилишга олиб келувчи номақбул муомалага ёки камситувчи меҳнат шароитларини яратишга йўл қўйилмаслигини;

хотин-қизлар ва эркаклар учун меҳнат фаолиятини, жамият ҳаётида иштирок этишни оилавий мажбуриятлар билан бирга олиб бориш учун тенг шароитлар яратишни, шу жумладан меҳнат қилиш имкониятини берадиган,

болаларни парваришlash бўйича муассасалар тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали шароитлар яратишни.

**22-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий жихатдан тартибга солиш чоғида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайдиган қоидаларни жамоа шартномалари ва келишувларига кириштириш, уларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни қўшиб бажариши учун шарт-шароитларни яхшилаш шарт.

Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**23-модда. Ижтимоий ҳимоя соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Давлат органлари, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини тенг даражада ҳисобга олиши шарт.

Хотин-қизлар ва эркаклар ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

**24-модда. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир.

Хотин-қизлар ва эркаклар оилавий муносабатлар соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

Оилавий муносабатлар соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг тенглиги қуйидагиларга асосланади:

хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлигига;

мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига;

эр ва хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигига;

оиланинг ички можароларини ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга;

уй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигига;

болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлашда тенг иштирок этишга.

Ота-оналар кичик ёшдаги болаларни, ногиронлиги бўлган оила аъзоларини парваришлаш бўйича нафақалар олишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътидан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

### **25-модда. Уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари**

Уй меҳнати жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас, у аёллар ва эркаклар томонидан тенг даражада амалга оширилади.

### **6-боб. Таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

### **26-модда. Таълим, илм-фан ҳамда маданият соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Давлат таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилишини таъминлайди.

Давлат қуйидагиларни кафолатлайди:

хотин-қизлар ва эркакларнинг таълим олиш, қайта тайёрлаш ва малага оширишнинг барча турларидан фойдаланишга, таълим ва илмий жараёни амалга оширишда иштирок этишга ҳамда маданиятдан, маданий кадриятлар ва меросдан фойдаланишга доир тенг ҳуқуқ ва имкониятларини;

турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендерга оид маърифатини оширишга кўмаклашишни;

жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этишни;

ўқув дастурлари ва дарсликларни жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқлик юзасидан мунтазам равишда мониторинг қилишни;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни.

Таълим соҳасидаги ваколатли орган таълим дастурларини, таълим муассасаларининг дастурларини ҳамда режаларини уларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш

принципларига мувофиқлиги жиҳатидан экспертизадан ўтказишни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва малака ошириш курслари хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича курсни ўз ичига олиши керак.

**27-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари**

Давлат қўйидагиларни кафолатлайди:

хотин-қизлар ва эркекларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўз ҳуқуқларини амалга оширишга, шу жумладан малакали тиббий хизмат кўрсатилишига, қулай тиббий хизматлардан фойдаланишга, оилани режалаштиришга ва репродуктив саломатликни ҳимоя қилишга бўлган тенг имкониятларини;

зарур бўлган ҳолларда, хотин-қизларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, айниқса, ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда хотин-қизларга бепул хизматлар кўрсатган, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизиш даврида тегишли озик-овқат билан таъминлаган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги стратегия ва дастурларнинг амалга оширилишини;

тиббий таълим соҳасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишга қаратилган ташаббусларни қабул қилишни;

соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олувчи илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашишни.

**7-боб. Яқунловчи қоидалар**

**28-модда. Жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш**

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

**29-модда. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафо-

латлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**31-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 сентябрь,  
ЎРҚ-562-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**655 Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **96-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга» деган сўзлар «қонунга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **117-модданинг:**

**тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди»;

**бешинчи — ўнинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**саккизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида**»-ги 417–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи қисми** «шунингдек» деган сўздан кейин «оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **8-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгиладиган намунадаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3) **9-модда биринчи қисми учинчи хатбошисининг** ва **иккинчи қисми бешинчи хатбошисининг русча матнидаги** «ящиков» деган сўз «урн» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **10-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Референдум ўтказиладиган кунда ва референдумни ўтказишга бир кун қолганда ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди»;

5) **12-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Имзо варақасида референдумга қўйилаётган масаланинг таърифи бўлиши керак»;

6) **16-модда:**

**биринчи қисмининг иккинчи жумласи** «фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар «дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида референдум ўтказишга камида беш кун қолганда тузилади»;

7) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш учун ташкил этиладиган референдум ўтказувчи комиссиялар тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди;



референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, референдумни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради, низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишга доир фаолиятга умумий раҳбарликни ва бу фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

референдумни ўтказувчи округларни тузади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларини тегишли округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

референдумни ўтказувчи округ комиссияларини тузади, шунингдек уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

референдумни ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

агар референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг референдумдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини референдумни ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, референдумни ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

референдумда овоз бериш бюллетенларининг, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуналари ҳамда шакллари, овоз бериш қутиларининг ва референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотларини эшитади;

референдумнинг натижаларини аниқлайди ва референдум яқунларини эълон қилади;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

ушбу Қонуннинг талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

хорижий мамлакатлардаги референдумларни кузатишда иштирок этади, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида иштирок этади;

халқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини референдумни кузатиш учун таклиф этади;

референдумни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоравий архивларга топширилишини таъминлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради»;

8) **21-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар «дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **22-модда:**

**3-банди** чиқариб ташлансин;

**5-бандининг русча матнидаги** «ящиков» деган сўз «урн» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **23-модда:**

қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга ҳамда референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин»;

**биринчи — олтинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисмининг русча матнидаги** «Советов» деган сўз «Кенгашей» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **26-модданинг:**

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати асосида тузилади»;

**олтинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича фуқароларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади»;

12) **27-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари овоз бериш кунига ўн кун

қолганда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса овоз бериш кунига етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Референдум ўтказувчи участка комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида фуқароларни хабардор этади.

Фуқароларга референдум ўтказувчи участка комиссияси биносида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади»;

13) **29-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкин»;

14) **31-модда биринчи қисмининг русча матнидаги** «ящики» деган сўз «урны» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **32-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш референдум куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка комиссияси референдум ўтказиладиган кунга камида ўн кун қолганда фуқароларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин»;

16) **33-модданинг русча матнидаги** «ящик» деган сўз «урну» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **35-модда:**

**учинчи қисмининг русча матнидаги** «ящик», «Ящики» деган сўзлар тегишинча «урну» ва «Урны» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**олтинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Айрим фуқаролар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган тақдирда, уларнинг илтимосига кўра референдум ўтказувчи участка комиссияси овоз беришни ана шу фуқаро турган жой бўйича, кўчма овоз бериш қутиларидан фойдаланиб ташкил этади»;

**олтинчи қисмининг русча матнидаги** «переносной ящик» деган сўзлар «переносная урна» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) қуйидаги мазмундаги **35<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«35<sup>1</sup>-модда. Муддатидан олдин овоз бериш**

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Овоз берувчи муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун референдум кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан референдумда овоз бериш бюллетенини олади.

Овоз берувчи референдумда овоз бериш бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида овоз берувчи фуқаролар рўйхатида имзо қўяди.

Референдумда овоз бериш бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида овоз берувчи томонидан тўлдирилади.

Овоз берувчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади»;

19) **36-модда биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларининг русча матнидаги** «ящиков», «Ящики», «ящиках» деган сўзлар тегишинча «урн», «Урны», «урнах» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **37-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг баённомаларида акс эттирилган овозларни санаб чиқиш чоғида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, референдум ўтказувчи округ комиссияси ўз мажлисида участка комиссиясига ушбу номувофиқликларни бартараф этишни таклиф қилишга ҳақли»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «баёнда акс эттирилади» деган сўзлар «баённомага киритилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **39-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказилгандан кейин кўпи билан ўн кун ичида референдумда қабул қилинган қарорни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилади»;

22) **42-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ха-

ражатлар ушбу мақсадлар учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида**»ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **4-моддаси биринчи қисмининг 11-банди** қўйидаги мазмундаги **11** ва **12-бандлар** билан алмаштирилсин:

«11) умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари — овоз бериш ўтказиладиган биноларда акс этирилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида**»ги 768–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **3-моддасининг 10-банди** қўйидаги мазмундаги **10** ва **11-бандлар** билан алмаштирилсин:

«10) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида;

11) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари — овоз бериш ўтказиладиган биноларда соат 8.00 да ижро этилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-мод-

да) **11-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари номзодлари бўйича тавсиялар тақдим этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тақдим этади;

референдум ўтказувчи тегишли округ комиссияларига референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолигига номзодлар тақдим этади;

сайлов комиссияларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар юборади»;

**ўн учинчи — йигирма олтинчи хатбошилар** тегишинча **ўн бешинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **13<sup>1</sup>-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи қисмдаги** «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмдаги** «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) **20-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, Сенати аъзолигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига сайланган (тайинланган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги 392–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган

669–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда) **7-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда) **9-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

**учинчи қисм тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида**»ги 166–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 14-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **16-моддадаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **23-моддадаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида**»ги 350–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда) **5-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган бир юз эллик нафар депутатдан иборат.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати — беш йил».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда) **4-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сенатни шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси билан белгиланади».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **2-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган бир юз эллик нафар депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади»;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси билан белгиланади»;

3) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;



5) **16-модданинг учинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **18-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **IV бўлим номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

#### **«IV. Фракциялар»;**

8) **23** ва **24-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

#### **«23-модда. Фракциялар тўғрисида**

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракциянинг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Фракцияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

#### **24-модда. Фракцияларни тузиш тартиби**

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга.

Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция тузилганлиги тўғрисида қарор қабул қилади»;

9) **25-модданинг:**

**номидаги «ва депутатлар гуруҳининг»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи хатбошисидаги** «ва депутатлар гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**2, 5, 9-бандларидаги** «депутатлар гуруҳи», «депутатлар гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **25<sup>1</sup>-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11) **26-модданинг:**

номидаги «ва депутатлар гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фракция фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) фракциянинг ўз ташаббуси билан;

2) Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда;

3) фракцияга кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда»;

12) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **35-моддадаги** «депутатлар бирлашмалари» деган сўзлар «фракциялари» деган сўз билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261, 265-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **4-модданинг:**

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасида тузилган фракцияларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эгадир»;

**еттинчи ва саккизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тариқасида, ўз фракциясининг раҳбари номзодини киритади.

Фракциядан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, фракция ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга»;

3) **5-модданинг учинчи қисмидаги** «ёки депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

- 5) **7-модданинг бешинчи қисмидаги** «депутатлар бирлашмаларининг» деган сўзлар «фракцияларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;  
6) **9-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«9-модда. Фракциялар**

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракциянинг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция таркибига кириши мумкин эмас.

Фракция тузиш учун:

фракция таъсис йиғилишини ўтказиш;

фракцияни тузиш тўғрисида таъсис баённомасини қабул қилиш;

фракция раҳбарини сайлаш зарур бўлади.

Фракция раҳбари фракцияни тузиш тўғрисидаги таъсис баённомасини Қонунчилик палатасига тақдим этади ва фракция тузилгани ҳақида Қонунчилик палатасига ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Фракциялар хисобга олиш рўйхатидан ўтказилади.

Фракциялар фаолиятининг ташкилий шакли уларнинг мажлисларидир.

Фракциялар ишини мувофиқлаштириб бориш, Қонунчилик палатаси мажлисига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш, фракциялар нуқтаи назарини келишиб олиш мақсадида фракциялар раҳбарларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Фракциялар ўзлари қабул қилган қарорлар, шунингдек фракциялар раҳбарларининг қўшма мажлисларида қабул қилинган қарорлар ҳақида Қонунчилик палатаси Спикерига ва унинг Кенгашига ахборот берадилар.

Фракция фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

фракциянинг ўз ташаббусига биноан;

Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда;

фракция таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;

тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатилганда).

Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин фракциялар фаолиятининг тугатилиши Қонунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади»;

7) **9<sup>1</sup>-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **13-модданинг биринчи — тўртинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери масъул қўмитани белгилайди, қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни масъул қўмитага ва бир вақтнинг ўзида, фракцияларга топширади, шунингдек фракциялар томонидан фикрлар ва таклифларни ҳамда масъул қўмита томонидан хулосани тақдим этиш муддатини белгилайди.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш учун қонун лойиҳаси устида ишлаш фракциялар ва масъул қўмита томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бунда фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларисиз масъул қўмита ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Масъул қўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг хулосаси асосида, фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисида ёки қонун лойиҳаси ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш ҳақида қарор қабул қилади»;

10) **14-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **15-модданинг:**

**иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўнинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фракциялар ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларининг жойларда фуқаролар иштирокидаги муҳокамасини ҳамда улар бўйича келиб тушган таклифларни ўрганишни сиёсий партиялар тегишли ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этади. Фракциялар ўрганишлар яқунларига кўра келиб тушган фикрлар ва так-

лифларни ўз мажлисларида муҳокама қилади, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқади, улар масъул қўмига юборилади»;

12) **16-модданинг иккинчи қисмидаги** «фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан» деган сўзлар «фракциялардан» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **19-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларидаги** «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **20-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмларидаги** «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **22-модданинг олтинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **26<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **31-модданинг иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги** «(депутатлар гуруҳларининг)», «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **32<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **32<sup>2</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **33-модданинг учинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **33<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **33<sup>3</sup>-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **33<sup>4</sup>-модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) **33<sup>7</sup>-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»ги 704–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **2-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

4) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари»;**

**биринчи қисмидаги** «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган

орган (сиёсий партия)» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида**»ги 708–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда, 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлиги»;

2) **2-модданинг иккинчи қисмидаги** «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган органнинг (сиёсий партиянинг)» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси депутатни сайлаш учун белгиланган тартибда ташкил этади»;

4) **6-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш участкаларини ва комиссияларни тузиш, комиссияларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

5) **7<sup>1</sup>-модда** чиқариб ташлансин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **2-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**учинчи қисмдаги** «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмдаги** «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова;

2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431, 433-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда) **169-моддасининг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261, 265-моддалар) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи хатбошиси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари (бундан буён матнда фракциялар деб юритилади)»;

2) **6-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларидаги** «депутатлар гуруҳларидан», «депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **7-модданинг иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги** «депутатлар гуруҳларининг», «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **8<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **10-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **11-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотно-



маси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **33-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, Сенати аъзолигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига сайланган (тайинланган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида**»ги ўРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари» деган сўзлар «Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари» деган сўзлар «Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**23-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида**»-ги 66–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 114-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XI бўлими**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 82–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) **XIX бўлими**.

**24-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**26-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирази.

Мазкур Қонуннинг 6, 8, 10-моддалари, 13-моддасининг 3 — 13-бандлари, 14-моддаси, 15-моддасининг 3 ва 4-бандлари, 17-моддасининг 5-банди, 18, 19, 20, 22-моддалари 2020 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 сентябрь,  
ЎРҚ-563-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**656** **Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида**»ги 407–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **5-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

**1-банд:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг»;

**еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2-банд:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг»;

**саккизинчи — ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**3-банд:**

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг»;

**ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи — ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда тўртинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **30-модда:**

**номидаги «ва Давлат хавфсизлик хизмати»** деган сўзлар «**Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи ва иккинчи қисмларидаги «ва Давлат хавфсизлик хизмати»** деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида**»ги

616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **4-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1-банд:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг»;

**еттинчи — ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2-банд:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг»;

**саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**3-банд:**

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг»;

**ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи — ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**5-банд:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органларининг»;

**саккизинчи — ўн саккизинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда) **41-моддасининг иккинчи хатбошиси** «Давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси

Президенти давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1044–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Жасорат**» медали тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 119-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **3-банд** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **4-банд** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **39<sup>1</sup>-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **14-банд** билан тўлдирилсин:

«14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича»;

**иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** «давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **78-модданинг иккинчи қисми** «давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **313-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мудофаа вазири, ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўмондони томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган 116–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Шон-шараф**» **ордени тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 191-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **4-банд** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **5-банд** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи қисми** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **14-модданинг иккинчи қисми** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли

Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265-модда) **38-моддасининг биринчи қисмидаги** «ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги 167–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 8-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати»;

**тўртинчи — саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2) 9-модданинг:**

**саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) қуйидаги мазмундаги **9<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«9<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда қўриқланиши лозим бўлган чет давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини ҳамда шахсий дахлсизлигини таъминлайди;

қўриқланувчи шахсларнинг доимий ва вақтинчалик ташриф буюрадиган жойлари, шунингдек ҳаракатланиш йўналишлари хавфсизлигини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул

қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **6-моддасининг биринчи қисми** «Давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда:**

**номидаги «Ҳарбий қасамёд»** деган сўзлар «**Ватанга қасамёд**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи олдида қуйидаги мазмунда Ватанга қасамёд қабул қиладилар:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафига кирар эканман, давлатим тимсоли бўлмиш муқаддас байроқни ўпиб, буюк аجدодларимнинг пок руҳлари олдида, ватаним олдидаги бурчимни ҳалол бажаришга бел боғлаб, виждоним, ор-номус ва шаънимни ўртага қўйиб:

Ўзбекистон Республикасига, халқимга ва Президентимга бир умр содик бўлишга,

Ватанимнинг мустақиллигини, унинг сарҳадларини, она халқимнинг тинчлиги ва осойишталигини, миллий манфаатларини сўнгги нафасимгача ҳимоя қилишга,

Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли ҳаракатларга қарши аёвсиз курашишга,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунлари ва умумҳарбий низомларга қатъий амал қилишга, давлат ва ҳарбий сирларни сақлашга,

Қуруқликда, сувда, ҳавода — ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимни виждонан бажаришга,

Ҳар қандай машаққатли синов ва қийинчиликларда ҳам эл-юртимнинг юксак ишончини оқлашга тантанали равишда қасамёд қиламан!»;

**еттинчи қисмидаги «Ҳарбий қасамёд»** деган сўзлар «Ватанга қасамёд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



**саккизинчи қисмидаги** «Ҳарбий қасамёд» деган сўзлар «Ватанга қасамёд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддатли ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобида ўн икки ой этиб белгиланади»;

3) **6-модданинг биринчи қисмидаги** «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли» деган сўзлар «Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **14-модда:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида» деган сўзлар «мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказларида (бундан буён матнда мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказлар деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида» деган сўзлар «мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чақирилувчиларнинг мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказлардаги тайёргарлигини молиялаштириш Мудофаа вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширилади»;

5) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида» деган сўзлар «мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **17-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида» деган сўзлар «Мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **18-модданинг учинчи қисмидаги** «ўн олти ёшга тўлган йили апрель — июнь» деган сўзлар «умумтаълим мактабидаги ёки ўрта-махсус таълим муассасасидаги охириги ўқиш йилининг апрель-май» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «февраль-март» деган сўзлар «март-апрель» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **20-модданинг бешинчи қисми:**

**учинчи хатбошиси** «яроқлилиги» деган сўздан кейин «шу жумладан чекловлар билан яроқлилиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Йигирма етти ёшга тўлганлиги сабабли Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш тўғрисида»;

**саккизинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;  
10) **21-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Олий таълим муассасаларидаги таълимнинг кундузги ва кечки шаклида таҳсил олаётган талабалар ўз розилиги билан сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиниши мумкин. Бунда талабалар бир ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга июль-августда жалб этилади»;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **25-модданинг бешинчи қисми** «иш стажи» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **30-модданинг учинчи қисмидаги** «уруш давридаги» деган сўзлар «ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **36-модданинг матнидаги** «уруш давридаги» деган сўзлар «ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **39-модданинг биринчи қисмидаги** «Ҳарбий қасамёд» деган сўзлар «Ватанга қасамёд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 июлда қабул қилинган ЎРҚ–98-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **3-банди** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **4-банди** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4,

137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **172-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар»;

2) **180-модда иккинчи қисмининг 7-банди** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **275-модда биринчи қисмининг 7-банди** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–226-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **34-моддасининг учинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда) **10-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг»; **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сон-

ли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 9-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари»;

**бешинчи — ўн биринчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«12<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

қўриқланувчи шахсларнинг манфаатлари, хавфсизлиги ва дахлсизлигига қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда) **299-моддасининг 7-банди** «Давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 сентябрь,  
ЎРҚ-564-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 657 Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида\*

Мамлакатда амалга оширилаётган мавжуд илмий-технологик йўналишларни кенгайтириш ва талаб юқори бўлган янги йўналишларни яратишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар инновациялар, нано-технологиялар, атом энергетикаси, космик саноат каби ҳали фойдаланилмаган юқори илмий ҳажмдор, технологик ва кенг қўламли фаолият йўналишларидан фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида машинасозлик соҳасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳим илмий-техник, синов-ишлаб чиқариш, тажриба-изланиш салоҳияти, етарли интеллектуал ва касбга доир ресурслар, муайян базавий космик инфратузилма мавжуд.

Шу билан бирга, мамлакатда қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, телекоммуникация, геология-қидирув, картография, метеорология, сейсмология ва шаҳарсозлик соҳаларининг самарадорлигини ошириш имконига эга бўлган ерни масофадан туриб зондаш, йўлдош алоқа, навигация тизимлари каби космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида фаолият деярли амалга оширилмаяпти.

Мамлакатнинг янада барқарор ривожланиши, жумладан иқтисодиётнинг турли соҳаларида инновацион космик технологиялардан фойдаланиш орқали мавжуд илмий-техник салоҳиятни самарали амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда — «Ўзбеккосмос» агентлиги) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармасининг Йўлдош алоқа технологиялари бошқармаси тугатилсин ва унинг бўшайдиган 5 та штат бирлиги «Ўзбеккосмос» агентлигига ўтказилсин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 августда эълон қилинган.

Белгилансинки:

«Ўзбеккосмос» агентлиги космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги ходимларининг чекланган сони 37 та штат бирлигини ташкил этади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги бош директори, бош директор ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Қуйидагилар «Ўзбеккосмос» агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида космик тармоқни ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

космик фаолият, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

космик фаолият соҳасининг лозим даражада ривожланиши, соҳага тегишли ва у билан боғлиқ ишлар, хизмат кўрсатишнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида космик фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

космик тармоқ инфратузилмаси, космик тадқиқотлар ва технологиялар, илмий-изланиш, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

космик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича кадрларни, жумладан етакчи хорижий олий таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

стратосфера ва бошқа учувчисиз учиш аппаратлари, шунингдек ерни масофадан туриб зондлаш ва йўлдошли алоқа космик аппаратларини қўлланган ҳолда давлат органларига масалаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишда кўмаклашиш;

космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни космик фаолият соҳасига, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб

қилиш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

космик ва йўлдош технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий тижорат тузилмалари, ишлаб чиқарувчилар ва молия ресурсларининг кенг жалб этилишини таъминлаш;

космик фаолиятнинг айрим йўналишлари тижоратлаштирилишини рағбатлантириш.

4. «Ўзбеккосмос» агентлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасидаги халқаро экспертларни ўз таркибига киритган Илмий-техник ва эксперт кенгаши ташкил этилсин.

Белгилансинки, космик тармоқни ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш «Ўзбеккосмос» агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгашининг хулосалари асосида амалга оширилади.

5. 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида космик тармоқни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. «Ўзбеккосмос» агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг «Космик фаолият тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

2020 йил 1 июлга қадар 2020 — 2030 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида космик тармоқни ривожлантириш давлат дастури (кейинги ўринларда — Дастур) лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўзбекистон Республикасида космик тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича яхлит кўришни ишлаб чиқиш ва стратегик вазифаларни самарали ҳал қилиш;

саноат ва экологик хавфсизликнинг юқори даражасини таъминловчи

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



замонавий илғор технологияларни қўллаган ҳолда космик тармоқ ва тегишли инфратузилма объектларини қуриш;

олий таълим муассасаларида ҳамда ўқув марказларида космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳаси мутахассисларини тайёрлашни ташкил этиш.

8. «Ўзбеккосмос» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда космик фаолиятни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш мақсадида Дастур доирасидаги лойиҳа таклифлари паспортини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига келгусида халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 август,  
ПФ-5806-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**658 «Нукус» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қорақалпоғистон Республикасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини комплекс ривожлантириш, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали юқори технологик ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришларини ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

асосда республикамизнинг экспорт ҳажмларини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда ҳудуд аҳолиси фаровонлигини юксалтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг «Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонасини «Нукус» эркин иқтисодий зонасига (кейинги ўринларда — «Нукус» ЭИЗ) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Нукус» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб кучли бўлган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан, шу жумладан кейинчалик қайта ишлаш мақсадида доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш имкониятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, шунингдек, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, озиқ-овқат, электротехника, машинасозлик, автомобилсозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари тармоқларида, биринчи навбатда белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор ўсимликлар хом ашёси ва доривор препаратлар (субстанциялар) негизида юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил этиш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш, шунингдек, саноат кооперациясини ривожлантириш асосида эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари ўртасида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

«Нукус» ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, ушбу ҳудудда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

«Нукус» ЭИЗнинг ихтисослашган кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан уларнинг «Нукус» ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи орқали тайёрлашда қатнашиш;

доривор ўсимликлар хом ашёси интродукцияси ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-синов лабораторияларига эга илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

«Нукус» ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Нукус» ЭИЗ ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона тартиблари амал қилади.

4. «Нукус» ЭИЗ иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Нукус» ЭИЗнинг бош режаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда «Нукус» ЭИЗ ҳудудларининг чегараларини белгилашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. «Нукус-фарм» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонаси «Нукус» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонаси деб қайта номлансин ва унга «Нукус» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш функцияси юклатилсин.

8. Белгилансинки:

«Нукус-фарм» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган тартибда «Нукус» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасига ўтади;

«Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси иштирокчилари қўшимча тартиб-таомиллардан ўтмаган ҳолда «Нукус» ЭИЗ иштирокчиси мақомига эга бўлади ва улар учун қонунчиликда аввал назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар сақлаб қолинади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда «Нукус» ЭИЗни муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш юзасидан таклифларни уларнинг аниқ молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд минерал-хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, импорт таркибини ҳар томонлама таҳлил

қилиш асосида «Нукус» ЭИЗ худудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда уларга «Нукус» ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Т. Ерниязов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 сентябрь,  
ПФ–5809-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги  
ПФ–5809-сон Фармониغا  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5032-сон Фармонида:

а) номидан «Нукус-фарм» сўзлари чиқариб ташлансин;  
б) преамбуладан «Қорақалпоғистон Республикаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-банддан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши», «Нукус-фарм» ва «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 2-бандда:

биринчи хатбошидан «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидан «Қорақалпоғистон Республикаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидан, 4, 9, 10, 14, 15, 18, 19 ва 20-бандлардан «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 8-бандда:

биринчи хатбошидан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидан «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 11 ва 13-бандлардан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши» ва «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

з) 16-бандда:

иккинчи хатбошидан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши» ва «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 17-бандда:

иккинчи хатбошидан «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши» ва «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «Нукус-фарм» ЭИЗ» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5412-сон Фармонининг 8-бандидан «Нукус-фарм» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**659 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида\***

Ташқи савдо фаолиятини янада такомиллаштириш, нақд хорижий валюта билан операцияларни амалга оширишда ахборот соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 сентябрь,  
ПФ-5811-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 5 сентябрдаги  
ПФ-5811-сон Фармонида  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги нақд маблағларни фақат миллий валютада ечиб олишга ҳақлидирлар, чет эл валютасидан чет элда асосли фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги

---

\* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

«Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3351-сон қарорида:

а) 2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларига уларнинг бошқарув органлари 2017 йилнинг 5 сентябрига қадар ташқи савдо контрактлари бўйича ҳосил бўлган кредитор қарздорликни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганида ҳисобдан чиқарилаётган кредитор қарздорлик суммасига солиқ мажбуриятларини қўшиб ҳисобламасликка рухсат берилсин»;

б) қўйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>. Давлат божхона қўмитаси 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан йўловчиларнинг божхона декларациялари ва белгиланган нормалардан ортиқча олиб кирилаётган нақд хорижий валюта ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни айирбошлаш бўйича ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ташкиллаштирсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4105-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошиси «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3487-сон қарори билан белгиланган хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тендер савдоларини ўтказмасдан, шунингдек, тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали тузилган импорт шартномалари ва уларга қўшимча битимлар бундан мустасно. Бунда, импорт шартномалари ва уларга қўшимча битимларни экспертизадан ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш учун хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар томонидан инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларига, шунингдек, жорий фаолият бўйича — ишлаб чиқариш нормативларига мувофиқ импорт контрактини тузиш зарурлигининг асосланиши қўшимча равишда тақдим этилади» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**660 Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда республикада илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, иқтидорли ёшларни нуфузли миллий ҳамда халқаро олимпиадалар, мусобақалар ва танловларда салмоқли натижаларга эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан:

иқтидорли ёшларни ишбилармонлар ва етакчи олимлар билан ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратиш ва шу асосда илм-фан соҳасида ёш кадрлар етиштириш тизимининг узвийлигини таъминлаш;

ишлаб чиқариш соҳасига юқори технологияларни татбиқ этиш ва илмий тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ҳамда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун платформалар яратиш талаб этилмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академиясини (кейинги ўринларда — Ёшлар академияси) юридик шахс мақомисиз ташкил этиш;

Ёшлар академиясига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосарига юклаш;

Ёшлар академиясига ўзларининг инновацион лойиҳалари ва ғояларига эга иқтидорли ёшлар ва талабалар, 40 ёшгача бўлган олимлар ва тадбир-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 августда эълон қилинган.



корлардан ташкил топган жамоаларни танлов асосида қабул қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Ёшлар академиясининг жамоалари аъзолари Ёшлар академияси аъзолари ҳисобланади.

2. Ёшлар академиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларни ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ошириш;

иқтидорли ва ташаббускор ёшлар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш ҳамда уларни мамлакатнинг етакчи олимлари ва ишбилармонлари билан ҳамкорлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотларни бажариш иштиёқига эга иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришларига имкон яратиш, янги авлод ёш олимларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

ёш олимлар томонидан аниқ вазифаларни ҳал этишга, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга қулай шароитлар яратиш;

илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларни ташкил этиш асосида ташаббускор ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш;

ёшларнинг стартап лойиҳаларини хўжалик бошқаруви органлари ва давлат улуши мавжуд корхоналарни изчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтириш;

иқтидорли ёшларни ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишларига кўмаклашиш;

халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган ташкилотлар, университетлар, илмий марказлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, уларнинг олимлари ва мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, тренинглар, шунингдек, долзарб илмий-инновацион йўналишлар бўйича конференциялар, семинарлар ва танловлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси тугатилсин ва унинг 5 та штат бирликлари амалдаги молиялаштириш тартиби сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида вазирликка ўтказилаётган штат birlikлари ҳисобидан Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилсин ва у Ёшлар академиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академиясининг Васийлик кенгаши таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат улуши юқори бўлган корхоналарга тегишли юридик шахсларнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг жами маблағларини йилига 10 фоизи миқдоридаги маблағларини ҳар йили Жамғармага ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур қарорнинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган маблағлар;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг қарорига асосан йўналтирилаётган маблағлар қисми;

Ёшлар академияси Васийлик кенгаши аъзолари — хўжалик бошқаруви органлари, давлат улуши мавжуд корхоналар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Ёшлар академияси аъзолари томонидан инновацион, амалий ва стартап лойиҳалар натижалари асосида тайёрланган инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинган даромадларнинг бир қисми;

халқаро молиявий институтлар, донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозит ҳисобларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

Ёшлар академиясига бириктирилган бино ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумлар;

ташкилотлар билан тузилган шартномалар доирасида олинган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин:

инновацион, амалий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришга, шу жумладан илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларни ташкил этишга, илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга;

Ёшлар академияси фаолиятини ташкил этиш, хорижий ва маҳаллий етакчи олимлар, мутахассислар ҳамда ватандошларни белгиланган тартибда жалб қилишга;

иқтидорли ёшларни ривожланган давлатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

малака оширишларига, нуфузли илмий нашрларда мақолаларни чоп этиш, шунингдек, хорижий ва маҳаллий патентлаш харажатларини қоплашга;

илмий-амалий тадбирлар (симпозиум, конференция, семинар, тренинг, давра суҳбатлари, мастер-класслар ва бошқалар) ташкил этиш ҳамда халқаро илмий-амалий тадбирларда қатнашишга;

Ёшлар академиясининг мазкур қарорда белгиланган асосий вазифаларини рўёбга чиқаришга.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма томонидан Ёшлар академияси фаолияти билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Васийлик кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади;

Ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармони асосида ажратилган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда молиялаштирилади;

Ёшлар академияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларни хорижий стажировкаларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси дастурлари доирасида буюртмага асосан амалга оширилади;

давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган ёш олимлар илмий-техник лойиҳалари Ёшлар академияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

10. Иқтидорли ёшларни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Ёшлар академияси» фаолиятига 2019-2020 йилларда жалб этиш бўйича «Йўл харита» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов тасдиқланаётган «Йўл харита»да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажаришга шахсан масъул этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ёшлар академияси аъзоларининг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелига қадар қўйидаги платформаларни ташкил этсин:

«Ғоялар генераторлари» — Ёшлар академиясининг асосий йўналишларига тегишли бўлган маълум бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион ғояга эга жамоалар платформаси;

«Стартаплар» — ўз ғояси ва ушбу ғояни амалга оширишга қаратилган стартап лойиҳалари ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ режага эга жамоалар платформаси;

«Бизнес вакиллари» — фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга бўлган жамоалар платформаси;

«Бўлажак академиклар» — юқоридаги платформаларда фаол иштирок

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган юқори илмий салоҳиятга эга олимлар платформаси.

Белгилансинки, Ёшлар академияси фаолияти доирасида мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилади.

12. Ёшлар академияси аъзолари учун замонавий инфратузилмага эга шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, Илғор технологиялар маркази ва «Яшнобод» инновацион технопаркининг бинолари, лабораториялари, акселератори ва коворкинг марказлари Ёшлар академиясига бепул фойдаланиш учун ажратсин;

2020 йил 1 январга қадар Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Ёшлар академиясининг аъзоларига дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибаси асосида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида барпо этилаётган «ақлли шаҳар» ҳудудида замонавий инфратузилмага эга кичик ва ихчам «Science Park» (Сайнспарк) ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ёшлар академияси аъзоларига бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш, шу жумладан, бизнес-режалар ва таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, суғурта, бухгалтерия, ҳисобот бериш, бизнес шерикларни, мини-технологиялар ва ускуналарни топиш билан боғлиқ хизматларини ташкил этиш бўйича мунтазам маҳорат дарсларини олиб борсин.

14. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига доимий равишда Ёшлар академияси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, телерадиоканалларда интеллектуал йўналишдаги телерадиодастурларни ташкил этиш ва эфирга узатиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарорига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда:

Ёшлар академиясининг низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 август,  
ПҚ-4433-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**661** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармони ва 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 3 сентябрь,  
ПҚ-4435-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 3 сентябрдаги  
ПҚ-4435-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1083-сон қарори 4-бандида:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун кредитлар 20 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида берилади»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун кредитлар 20 йил муддатга, 1 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида берилади»;

олтинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сон қарорида:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда арзон уйларнинг қуйидаги янги намуналарини (кейинги ўринларда уйлар деб юритилади) жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар;

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда 0,02 гектар ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар;

шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий

гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари (кейинги ўринларда фуқароларнинг алоҳида тоифалари деб юритилади) учун беш қаватли арзон кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар.

Бунда бўш ер участкалари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида арзон кўп квартиралари уйларни қуриш йўли бўйларида жойлашган яроқсиз уй-жойлар, бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган ҳудудларда чизикликаторли кўринишда жойлаштирган ҳолда амалга оширилади»;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, намунали уй-жойлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТБ, «Халқ банки» АТБ, «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) уй қурувчиларга 2 йиллик (2020 йил 1 январдан бошлаб — 1 йиллик) имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан (2020 йил 1 январдан бошлаб биринчи 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада) ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан 20 йил (фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун қуриладиган арзон кўп квартиралари уйлар учун — 15 йил) муддатга ипотека кредитлари берадилар, бунда уй қурувчиларнинг дастлабки бадални қўйидаги миқдорларни ташкил этади:

10 фоиз — тўрт қаватли кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар ва 0,02 гектар ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилладиган 3 хонали бир қаватли уйлар учун;

25 фоиз — фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун қуриладиган беш қаватли арзон кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар учун»;

4-банднинг биринчи хатбошисидаги «2017 йилда» сўзлари «2017 — 2021 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича биринчи 5 йил мобайнида йилига 4 фоизли ставка билан ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 3 фоиз миқдоридан бўлишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан 2 йиллик (2020 йил 1 январдан бошлаб 1 йиллик) имтиёзли давр билан қишлоқ жойларда яшовчи шахслар учун — 20 йил, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун — 15 йил муддатларга миллий валютада кредит линияларини очсин, ушбу маблағларни арзон уй-жойлар қурилишига мақсадли йўналтирсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчиларига уй-жой қуриш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2858-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дастур доирасида уй-жойларнинг қурилиши (кейинги ўринларда — уй-жойлар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябр-

даги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ–2639-сон ҳамда 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4028-сон қарорлари билан жорий этилган кўп квартирали уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари асосида амалга оширилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3863-сон қарорида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ипотека банк» АТИБ, Халқ банки АТБ, «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБларининг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 20 йил муддатга, 2 йиллик (2020 йил 1 январдан бошлаб — 1 йиллик) имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан (2020 йил 1 январдан бошлаб биринчи 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада) ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ипотека кредитларини:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар ва тўрт қаватли арзон кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар учун — 10 фоиз миқдорида;

шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун беш қаватли арзон кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар учун — 25 фоиз миқдорида бўлишини назарда тутган ҳолда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп квартирали уйлардаги квартираларни ўртача 15 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин»;

2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 4 фоиз ставкали 2 йиллик (2020 йил 1 январдан бошлаб — 1 йил-



лик) имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 3 фоиз миқдоридagi маржаси чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридa, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасидa уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3937-сон қароридa:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҚАИТЖнинг жалб этилаётган қарзини, шу жумладан унга оид фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ҚАИТЖдан келиб тушган маблағларнинг (кўчирилган кундаги) сўмдаги эквиваленти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан уч банк иш куни давомида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг 22626-сон «Қорхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказиб берилади;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг ушбу ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар уч банк иш кунидa дастурни амалга ошириш доирасидa ташқи инженер тармоқлари ва транспорт алоқалари қурилишни молиялаштириш учун банкнинг тегишли ҳудудий филиалларида очилган «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ ҳудудий филиалларининг 22626-сон «Қорхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади»;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-4028-сон қарори 16-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 129 ва 171-моддаларига мувофиқ Қўшма лойиҳа бўйича ажратилган мақсадли грантлар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва маблағ олувчи жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга тортилмайди».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ****662 «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
тини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 73-илова-  
сига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 467-сон «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3083/2143-сон) билан тасдиқланган 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларининг 73-иловаси иловага\*\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
7-мб-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**663 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1095-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 29 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1095, 2002 йил 12 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 05/03-06-32/3120-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 3 декабрдаги 125, 206-В, 2001-120-сон «Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1095, 2002 йил 12 январь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 8 апрелдаги 52, 206-В-1, 2003-44-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 3 декабрдаги «Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказил-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

ган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 125, 206-В ва 2001-120-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1095-1, 2003 йил 15 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 сентябрь,  
385-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**664** Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/9-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
24 августдаги 21/9-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,  
нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга  
доир йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 79-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ички ишлар органининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 81-банднинг учинчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 159-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ички ишлар органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 170-банднинг биринчи хатбошисидаги, 176-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 340-банднинг биринчи хатбошисидаги «ички ишлар органи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**665** **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон қарори (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-банди тўртинчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/15-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**666** Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1496-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон қарори (рўйхат рақами 1496, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 214-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/5-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 667 Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 10/17/2933/0036-сон) билан тасдиқланган Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
24 августдаги 21/6-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 74-банднинг тўртинчи хатбошисидagi «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 119-банднинг учинчи хатбошисидagi «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**668 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 5 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор (рўйхат рақами 2464, 2013 йил 3 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 27 августдаги 04-05-6463-сон, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 августдаги 02/027-1660-сон, Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 5 августдаги 01/15-5737-сон ва Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 6193/15-08-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 20 майдаги 10, 6/1, 2-сон «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2464, 2013 йил 3 июнь);

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 4, 38, 3-сон «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган сугорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2464-1, 2017 йил 2 август).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 7 сентябрь,  
390-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 31 августдан 7 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 26 августдаги 7-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 73-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-3.**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 сентябрдаги 385-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1095-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/9-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1496-1.*

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-3.*

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 сентябрдаги 390-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464-2.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1095, 2002 йил 12 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1095-1, 2003 йил 15 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 сентябрдаги 385-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суворилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2464, 2013 йил 3 июнь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2464-1, 2017 йил 2 август).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 сентябрдаги 390-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**